Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2013 йил
**21 декабрь**
ШАНБА
**№ 102** (12634)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Иқтисодиёт

## «АНГОР ТЕКСТИЛЬ»ДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН

**Вилоятда пахта хом ашёсини қайта ишловчи корхоналар кўпайиб, турли мато ва улардан замонавий кийим-кечаклар тайёрланмоқда. Ўрта Чирчиқ туманида шу йил иш бошлаган "Ангор текстиль" масъулияти чекланган жамияти шулардан биридир.**



Корхонада калава ипдан трикотаж мато тўқишдан тортиб, ўттиз турга яқин тайёр кийим-кечак тикилади. Йилига 5 миллиард 200 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаш қувватига эга.

– Бугунги кунда, – дейди корхона раҳбари Рустам Раҳматов, – масъулияти чекланган жамиятимизда 241 ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Яқин кунлар ичида яна битта тикиш линиясини ишга тушириб, 70 кишилик иш ўрни яратамиз.

Бичув цехидаги дастгоҳларда ёш йигит-қизлар ишлашаяпти.

– Янгиқўрғон шаҳарчасида яшайман, – дейди Муқаддас Қосимова. – Корхона очилганини эшитиб, иш сўраб келдим. Қабул қилишди. Билмаганларимни ўргатишди.

Тикув ҳамда трикотаж цехларидаги дастгоҳ ва автомат линияларида маҳаллий йигит-қизлар ишлашяпти.

Корхонада трикотаж маҳсулотлари асосан буюртма асосида тайёрланади. Демак, маҳсулотга талаб катта. Сифати ҳам харидорларни қаноатлантиради.

Масъулияти чекланган жамиятда ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратилган. Ходимлар корхона автобусларида ишга бориб келадилар. Бир марта иссиқ овқат берилади. Бу хизматлар бепул бўлиб, корхона ҳисобидан қопланади.

Маҳсулотларга талаб ортиб бораётгани боис келгуси йилнинг иккинчи чорагидан ишлаб чиқариш жараёни икки сменада ташкил этилади. Демак, иш ўрни икки баравар кўпаяди ва маҳсулот ҳам икки ҳисса кўп ишлаб чиқарилади.





**Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.**
**Равшан МИРЗАҚУЛОВ олган суратлар.**

*Тошкент вилояти ҳокимининг ҚАРОРИ*

## Ж. АБДУРАЗЗОҚОВНИ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ ҲОКИМИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ўзбекистон Республикаси "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига мувофиқ**
**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими лавозимига Абдураззоқов Жаҳонгир Боқижонович 2013 йил 19 декабрдан тайинлансин.

Ушбу қарор Халқ депутатлари Қуйи Чирчиқ тумани ҳамда вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясига тасдиқ учун киритилсин.

**Вилоят ҳокими А. УСМОНОВ.**

Тошкент шаҳри, 2013 йил 19 декабрь.

## ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ҚУЙИ ЧИРЧИҚ ТУМАНИ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

**Халқ депутатлари Қуйи Чрчиқ тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди.**

Сессия илгари Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси ижроия қўмитаси раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келган Абдураззоқов Жаҳонгир Боқижоновични Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими этиб тасдиқлади.

Ҳуқуқий дарсхона

## ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

### «ЎЗБЕК МОДЕЛИ»

Ҳар бир давлат жамият ҳаётини тартибга солиш, муаммоларни бартараф этиш, инсон ҳуқуқларини кафолатлаш ва шу орқали тараққиётга эришиш учун конституцияга эҳтиёж сезади. Истиқлолнинг дастлабки йилларида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонуни биз учун шундай дастурил-амалдир.

Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз борар экан, қуйидагиларни таъкидлаш жоиз:

Конституция асосида янги жамият қуришнинг давлат раҳбари илгари сурган миллий ўзбек модели ётибди. Шу нарса аёнки, мамлакатни модернизация қилишнинг аниқ-равшан сиёсий концепциясисиз, мустақилликни мустаҳкамлаш ва демократияни ривожлантиришнинг умуммиллий ғоясисиз конституция ҳам, бошқа қонунлар ҳам юзага келмас эди;

Конституцияда аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, фалсафий ва инсонпарвар ғоялари, халқимизнинг ёруғ келажак, адолат ва инсонпарвар жамият ҳақидаги орзулари ўз аксини топди;

Конституцияда БМТ, ЕХҲТ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг ҳужжатларида қайд этилган демократия, шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид барча умуминсоний нормалар ва принциплар қамраб олинди. Бугунги кунда амалга оширилаётган "ўзбек модели"нинг мазмун-моҳияти давлат ва конституциявий қурилишни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишдан иборат бўлиб, улар иқтисоднинг мафкурадан ҳоли қилиниши ва сиёсатдан устунлиги, давлатга бош ислоҳотчи бўлиш вазифасининг юкланиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислоҳотларнинг узвийлиги ва босқичма-босқичлиги тамойилларига асосланади.

(Давоми 2-бетда).

## ШАҲАР КЎРКИ – ОРАСТАЛИК

**Бекободликлар шаҳарларини юртимизнинг обод ва ораста манзилларидан бирига айлантиришга бел боғлашган. Шаҳарда тўпланаётган маиший ҳамда саноат чиқиндиларини зарарсизлантириш ва тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилаётганининг боиси шунда.**

Хусусан, бу ерда ташкил этилган "Маиший чиқиндилардан тозалаш" давлат унитар корхонаси фаолияти шу йўналишга ихтисослашган. Тез ва самарали ишлаш учун корхона қарийб 300 миллион сўмлик махсус мослама ҳамда тиркамали транспорт воситалари билан таъминланди.

Шунингдек, бу йил шаҳарнинг бир қатор нуқталарида ҳомийлар маблағи ҳисобидан махсус чиқиндихоналар ташкил этиш режалаштирилган бўлиб, айни пайтда уларнинг 5 таси фойдаланишга топширилди.

**Алишер МУРОДОВ.**

Мулоқот

## ТАҲРИРИЯТ СИЗНИ ЭШИТАДИ

**Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимларининг "Тошкент ҳақиқати" газетаси ижодий жамоаси билан Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

Унда мамлакат раҳбарининг амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги ишлар ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, кўрсатмалари ва ОАВ ходимларининг бу жараёндаги вазифаси, ўрни ҳақида сўз борди. Соғлом бола йилининг мазмун-моҳиятини аҳолига тўла-тўкис етказиш кўп жиҳатдан журналистлар маҳоратига боғлиқ эканлиги алоҳида таъкидланди. Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси, жамоатчилик назорати, ижтимоий шериклик, сиёсий партиялар фаолиятини ёритишдаги холислик, очиқлик, ошкоралик тамойилларини тўғри талқин этиш, давлат ҳокимияти органлари фаолиятини кенг ёритиш ва бошқа масалалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

– Глобаллашув даври журналистлари учун чуқур билим, касб маҳорати, салоҳият ва журъат – муҳим фазилат, – деди Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти масъул ходими Баҳриддин Холбўтаев. – Давлат ва маҳаллий ҳокимият органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда журналистлар энг ишончли ҳамкордир.

**Сайёра РИХСИЕВА.**

Эсиз раҳбарлик!

## МИЛЛИОНЛАРНИНГ СОХТА ЖИЛВАСИ

**Республикамизда олиб борилаётган ислоҳотлар боис юртимизнинг деярли барча ҳудудларига электр энергияси етиб борди. Электр ўлчагичлар ҳамда тақсимлагичлар ўзимизда ишлаб чиқарилмоқда ва ўрнатилмоқда. Шу боис хонадонлардаги муддатини ўтаб бўлган ўлчагичлар ва ҳудудлардаги эски электр тақсимлагичлар босқичма-босқич янгисига алмаштирилмоқда.**

Минг афсуски, айрим раҳбарлар ўз лавозимларини суиистеъмол қилиб, тармоқда олиб борилаётган ислоҳотларга тўғаноқ бўлмоқдалар. Натижада аҳоли пунктларида электр энергия таъминотида муаммолар юзага келмоқда.

Паркент туман электр таъминоти корхонаси раҳбари лавозимида ишлаган Дилшод Мирзакаримов ҳам ўзига ишониб топширилган вазифадан халқ манфаатларини ўйлаб иш юритиш ўрнига, ўз ҳамёнини қаппайтиришга ҳаракат қилиб, жиноятнинг боши берк кўчасига кириб қолди. У корхонага тегишли катта миқдордаги пулларни ўзлаштириб, осонгина ҳазм қилиб юбораман деб, қаттиқ янглишди. Чунки, қонунлари устувор юртда жиноятга жазо муқаррарлигини ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро доимо ёдида сақласа, тўғри йўлдан адашмайди.

Д. Мирзакаримов: "Энди раҳбарман, ўзимга хон, кўланкам майдон", деб ўйлади шекилли, корхонага тегишли пулларга, яъни халқнинг, давлатнинг пулига кўз олайтирди. У 2009 йилнинг ноябрь ойида "Тошкент электр тармоқлари" ОАЖнинг омборидан гўёки, ўз ҳудудидаги баъзи электр тақсимлагичларни (трансформатор) янгисига алмаштириш учун Паркент туман электр таъминоти корхонасига 83 млн. 431 минг 561 сўмлик бир дона, 38 млн. 166 минг 105 сўмлик икки дона, жами эса 121 млн. 597 минг 666 сўмлик трансформаторлар олингани ҳақида сохта юк хатини имзолаб, пулларини ўз ҳисобига ўзлаштириб, корхонанинг жуда кўп миқдордаги маблағларини талон-торож қилиб юборади.

Биров билиб ўтирибдими, қоғозларда ими-жимида тўғрилаб қўйсам бўлди-да, деган хаёлга борган Д. Мирзакаримов энди электр энергияси учун тўланадиган пулларни ҳам ундиришни ўз ҳолига ташлаб қўйди. У туман ҳудудида фаолият олиб бораётган, юқори кучланишли электр тармоқларига эга боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари билан шартномалар тузиб, 2010 йил январдан 2012 йил августга қадар 26 та трансформатордан сарфланган электр энергия учун ҳақларни ундирмай, корхонага 24 млн. 129 минг 485 сўм миқдорида зарар етишига сабабчи бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, жиноят жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Юқори Чирчиқ туман суди Д. Мирзакаримовнинг қилмишларига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чиқарди. У энди умрининг олти йилини сим тўрлар ортида ўтказади. Шунингдек, у яна уч йил давомида раҳбарлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Хулоса шуки, ҳалол ва тўкис ҳаёт кечириш тинимсиз меҳнат ҳамда сабр-тоқат талаб қилади. Осон ва мўмай даромад топиш мақсадида қонунларни четлаб ўтиш, кўпчиликнинг ҳақига хиёнат қилиш йўлини тутганлар эса охир-оқибат надоматда қолишлари тайин.

**Хуршид ҚОБИЛОВ.**

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

## ЙЎЛИМ БЕХАТАР БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг махсус фармойишига асосан 2013 йилнинг 15 декабридан 2014 йилнинг 15 январига қадар "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилмоқда.**

Вилоят ҳокимининг шу ҳақдаги фармойишига мувофиқ шаҳар ва туманларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва йўл ҳаракати қатнашчилари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш мақсадида вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси алоҳида иш режаси ишлаб чиқди ҳамда шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларига ижро учун етказилди. Унда ички ишлар идоралари ходимларига кенг жамоатчиликни тадбирга жалб қилган ҳолда ҳайдовчилар, пиёдалар ҳамда ҳаракатланишнинг бошқа иштирокчилари ўртасида йўл ҳаракати интизомини кучайтириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг сабаблари, оқибатлари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ўтказиш вазифалари аниқ белгилаб берилди.

Шаҳар ва туманларнинг маҳаллий ҳокимликлардаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссияларида бирлашма, ташкилот, идора ва автохўжалик раҳбарлари иштирокида тадбир давомида амалга оширилаётган ишлар ҳақида 25 та йиғилиш ўтказилди.

Тадбирни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 23 та махсус гуруҳ тузилиб, гуруҳдаги "Автомотоҳаваскорлар" кўнгилли жамияти, вилоят халқ таълими бошқармаси ходимлари ва маҳаллий ҳокимликлар вакиллари вилоят ИИБ ходимлари билан бирга шаҳар ва туманларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борди. Ойликнинг дастлабки 5 кунида корхона ва ташкилотларда, маҳалла ва мактабларда 1057 та суҳбат ҳамда учрашувлар ўтказди.

Жумладан, корхона ва ташкилотларда ҳаракат хавфсизлигига оид 550 та суҳбат, шунингдек,

(Давоми 2-бетда).

Қарор ва ижро

## КЎНГИЛ ИСТАГИ – ОБОДЛИК

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2013-2015 йилларда Тошкент вилояти йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоятда кенг кўламли қурилиш ва таъмирлаш ишлари қизғин бошлаб юборилди. Жумладан, "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси ҳукуматимиз раҳбари қарори ижросига аниқ режалар асосида киришди.**

Чунончи, компания Тошкент вилояти ҳудудидаги темир йўл инфратузилмаларини 2013-2015 йилларда капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишларининг манзилли дастурини ишлаб чиқиб, изчил амалга оширмоқда. Вилоятдаги темир йўл инфратузилмаси объектлари компания тасдиқлаган манзилли дастурга мувофиқ капитал-таъмир ва реконструкция титулига киритилди.

(Давоми 2-бетда).

Миннатдорлик

**Инсон руҳият кишиси. Яхши гап, яхши амаллардан боши кўкка етгудек бўлади. Ҳаяжонни яширолмайди. Мен ҳам 50 хонадонли маҳалламиз аҳолиси учун кўпгина савоб ишлар қилаётган Олмазор касб-ҳунар коллежи раҳбари Исроилжон Болтоқовга барча маҳалладошлар номидан миннатдорчилик изҳор этмоқчиман.**

## ЯХШИЛАР ДОИМ БОР БЎЛСИН!

Бир йилдан ошдики, қудуғимиз бузилиб, сувсиз қийналаётган эдик. Илтимосимизни рад этмай, таъмирлаб берди. Тўкилай деб турган коллеж биносини капитал таъмирлатишга эришди. Унинг раҳбарлигида коллеж ҳудуди боғу бўстонга айлантирилди.

Менинг сўзларимда ҳеч қандай муболаға йўқ. Келиб кўрсангиз, ўзингиз гувоҳ бўласиз. Тим қоронғи кўчаларимиз чароғон, электр лампочкалар ўрнатиб берди. Айниқса, ғамхўр раҳбар сифатида биз пенсионерлардан тез-тез хабар олиб, моддий-маънавий кўмак бериб туришидан жуда миннатдормиз. Бошқа раҳбарлар ҳам Исроилжондан ўрнак олса қандай яхши бўларди...

Ҳурмат билан собиқ олий тоифали ўқитувчи.

**Нафиса САТТОРОВА,**
**Чиноз тумани, Олмазор қўрғони.**

Қарор ва ижро

# КЎНГИЛ ИСТАГИ – ОБОДЛИК

Хусусан, Бекобод шаҳридаги "Бекобод" станцияси, Ўрта Чирчиқ тумани "Кучлик" сув насоси станцияси биносини шу йилнинг ўзида капитал таъмирлаш режалаштирилган. Чирчиқ шаҳри "Бўзсув" станциясидаги йўловчиларга мўлжалланган бинони 2014-2015 йилда таъмирлаш кўзда тутилган.

2015 йилда капитал таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари кўлами янада кенгаяди. "Чирчиқ" станциясидаги йўловчилар биноси реконструкция қилинади. "Тошкент – Ҳожикент" йўналишида ҳаракатланувчи йўловчи электр поезди капитал таъмирланади.

Давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи Янгийўлдаги "Ўзбекистон" локомотив депосида давлатимиз раҳбари қарори ижроси доирасидаги қурилиш ва таъмирлаш ишлари дастурий режа асосида жадал давом этаяпти. Депо маъмурияти ишлаб чиққан алоҳида дастурда бу йил бино ва иншоотларда 481 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларини бажариш белгиланган эди. Амалда йилнинг ўтган ўн бир ойида 384 миллион сўмлик иш бажарилди.

Режада ишчи-хизматчилар юксак самара билан ишлашлари учун қулай шарт-шароитлар яратиш, фаолларни алоҳида рағбатлантириб боришга кенг ўрин берилган. Жумладан, ходимлар ишлайдиган ҳар бир хона жорий таъмирланиб, енгил руҳ, хуш кайфият бағишлайди. Барча цехлар тартибга келтирилиб, совутгич, микротўлқинли печь, телевизор билан жиҳозланди. Маъмурий бинонинг иккинчи қаватида ишчи-хизматчилар учун ечиниш-кийиниш хоналари, душхона, йиғилишлар зали бўлиб, уларда ҳам қулай шароитлар муҳайё.

– Локомотив депоси раҳбарлари корхонамиз ҳудудини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига доимо жиддий эътибор билан қарашади, – дейди қурилиш ишлари бўйича муҳандис Бурхон Саидов. – Бу йил депо ҳудудини тартибли сақлаш мақсадида 2338 квадрат метр майдонга асфальт ётқизилди. Боғимизга янги мевали дарахт ва арча кўчатлари экилди. Бино ва иншоотларни жорий таъмирлаш ишларига 400 миллион сўм ажратилган эди. Ўтган ўн бир ойда 392 миллион сўмлик иш бажарилди. Шунингдек, корхонамизда бутун йил давомида спорт мусобақалари изчил ўтказиб борилади. Айниқса, цехлараро футбол мусобақалари қизғин ўтади. Ғолиб жамоалар маъмуриятнинг эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Хулоса қилиб айтганда, "Ўзбекистон" локомотив депоси республика Президенти қарори ижросига "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси таркибидаги турдош корхоналар орасида энг салмоқли ҳисса қўшаётганлардан биридир. Бу бажарилган ишлар ҳақида йилнинг ҳар чорагида компания маъмуриятига тақдим этилаётган ахборотномада ҳам ўз аксини топмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Самад ЙЎЛДОШ.**

Тадбиркорликка кенг йўл



# ЯХШИ КУНЛАРИНГИЗДА ХИЗМАТ ҚИЛАМИЗ

**Қуйи чирчиқлик Гулзода Ширчиқбоева кўп йиллардан бери тадбиркорлик қилсам, ён-атрофдагиларга фойдам тегса, деб юрарди. Яхши нияти ижобат бўлиб, режалари амалга ошди.**

"Сўғдиёна келажак" хусусий корхонасини очганига эндигина 5 ой бўлди. Шунга қарамай, узоқ-яқинда яшовчи аҳоли корхонага қарашли тўй ва маросимлар уйида чиройли оилавий тадбирларни ўтказишяпти. Бу ерда 6 киши иш билан таъминланган. Қўли ширин ошпазлар Адҳам Отақулов ва Бекжон Фозилов пиширган таомларни еган мижозлар шу масканга келишни канда қилишмаяпти. Ҳам миллий, ҳам дунё халқлари таомларини қиёмига етказиб тайёрлашгани хўрандаларга манзур бўлмоқда. "Сўғдиёна келажак"да сифатли хизмат кўрсатишга катта аҳамият берилади.

Яқинда тадбиркорнинг иши янада кўпаяди. Озиқ-овқат дўкони, сартарошхона ва телефон тўловларини қабул қилиш шахобчаси очилиш арафасида.



**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

Депутат минбари

# ЁШЛАРГА ИШОНИШ КЕРАК!

**Мамлакатимизда ўрта махсус, касб-ҳунар тизимида таълим сифатини янги босқичга кўтариш, замонавий ва анъанавий касб-ҳунар сирларини пухта эгаллаган ёшларни иш билан таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифага айланган.**

Ўз навбатида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг зарур билим ва кўникмага, малака ва тажрибага, ўз касбию ҳунарини иш жараёнида қўллаш маҳоратига эга бўлиши мустақил ҳаётга йўл олаётган ёшларнинг турли соҳаларда, меҳнат бозорида муносиб ўрин топишида мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Бунда пухта касб-ҳунар эгаллаган битирувчилар билан иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ва ҳамкорликни янада яхшилаш, рақобатбардош кичик мутахассис-кадрларнинг бор имкониятлари, билими, малака ва иқтидорлари тўғрисида батафсил ахборот берувчи битирувчилар тақдимотларини ташкил этиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Тақдимотлар даврида коллеж битирувчиси билан бирга ота-оналарнинг ҳам иштирок этиши айниқса эътиборли. Бу фарзандлари таълим олишига беэътибор бўлган ота-оналарга, ўқишдан бўйин товлаётган ёш йигит-қизларга самарали таъсир кўрсатиб, уларнинг фикри ва дунёқараши тубдан ўзгаришига сабаб бўлиши шубҳасиздир.

Республикамизнинг қатор вилоятларида коллежларга бириктирилган йирик саноат корхоналарида битирувчи шахсий бизнесини бошлаётганда, имтиёзли кредит олиши учун тижорат банкларига кафиллик бериш жорий этилган. Афсуски, ушбу тажрибадан вилоятимизда суст фойдаланилаётганлиги сабабли атиги 552 битирувчи (жами битирувчиларнинг 1,5 фоизи) тадбиркорлик фаолиятини бошлай олди.

Бизнингча, Марказий банкнинг вилоят бошқармаси билан ҳамкорликда битирувчиларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун тижорат банклари имтиёзли кредит ажратишнинг коллежлар кесимидаги жадвалини ишлаб чиқса, йирик корхона ва ташкилотлар эса гаров кафиллигини олишса, мақсадга мувофиқ бўлур эди.

**Барно ЖАББОРОВА,**
**Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

# МУРҒАК ҚАЛБЛАР ШОДЛАНДИ

**Оҳангарон туманидаги 13-махсус мактабгача таълим муассасасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон туман кенгаши ташаббуси билан "Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ҳамкорлигида Халқаро ногиронлар кунига бағишланган байрам тадбири ўтказилди.**

Мактабгача таълим муассасаси мудираси Р. Бекмурзаева Ўзбекистон ХДП вилоят ва Оҳангарон туман кенгашларига доимий кўрсатиб келаётган ёрдамларини таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон ХДП туман кенгаши мафкура масалалари бўйича раис ўринбосари М. Эргашева мазкур МТМда тарбияланаётган имконияти чекланган болажонларни байрам билан табриклаб, ушбу даргоҳда меҳнат қилаётган меҳридарё устозларга миннатдорчилик билдирди.

Айниқса, болажонларнинг бадиий чиқишлари йиғилганлар кайфиятини кўтарди. Тадбир сўнгида уларга Ўзбекистон ХДП туман кенгаши томонидан эсдалик совғалари тақдим этилди.

**Саида РАҲИМОВА.**

**Бекобод шаҳри аҳли "Металлург" шифохонасида янги очилган компьютер-томография бўлими хизматидан мамнун. У Обод турмуш йилидан муносиб тухфа бўлди.**

## Замонавий ташҳис ва муолажа

Шифохонага 790 минг АҚШ долларилик энг сўнгги русумдаги компьютер-томография ускунаси олиб келинди. Инсон аъзоларини 64 кесимда тадқиқ эта оладиган бундай илғор тиббиёт ускунаси ёрдамида нафақат шаҳар, балки қўшни туманлар аҳолиси ҳам узоққа бормай, замонавий ташҳис хизматларидан бемалол фойдаланиш имконига эга бўлди.

**Шукур МАҲМУДОВ.**

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

# ЙЎЛИМ БЕХАТАР БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ...

жойлардаги "Маҳалла" жамғармаси фаоллари иштирокида маҳаллаларда йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мавзуларида 100 дан ортиқ йиғилишлар уюштирилди. Тадбир моҳиятини акс эттирувчи 88 та алвон-шиорлар, 1500 дан ортиқ реклама плакатлари шаҳар ва туманлардаги аҳоли гавжум жойларга, йўл-патруль хизмати, милиция тўсиқ постлари ҳамда унинг яқинига осиб қўйилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вилоят ҳудудида ва шаҳарлараро қатновчи йўловчи ташиш транспорт воситаларига ҳаракат хавфсизлиги ойлиги тадбирларида фаол иштирок этишга чақирувчи плакатлар жойлаштирилди.

Тадбир давомида йўл ҳаракати қатнашчилари, айниқса, пиёдалар назорати янада кучайтирилиб, улар жами 581 марта қоидабузарлик қилгани қайд этилди.

Вилоятдаги 50 дан ортиқ корхона, ташкилот ва автохўжаликларда транспорт воситаларининг сақланиши, техник хизмат кўрсатиш, йўлга чиқиш олдидан ҳолатини текшириш, ҳайдовчиларни тиббий кўрикдан ўтказиш, улар ўртасида ҳаракатланиш интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар ўрганиб чиқилди.

**Исроилхўжа САЙДИКАРИМОВ,**
**вилоят ИИБ йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси катта инспектори.**

Ҳуқуқий дарсхона

# ИЖТИМОИЙ ДАВЛАТНИНГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

## СЕНАТ ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларига риоя қилади, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан дипломатик алоқаларни йўлга қўйиб, шартномалар тузиб, сиёсий, халқаро иқтисодий ва маданий муносабатларда бевосита иштирок этади. Ўзбекистон қўшилган барча халқаро ҳужжатлар давлат аппаратининг, жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг фаолиятини такомиллаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади. Халқаро стандартлар муваффақиятли жорий этилса, қонунчиликни такомиллаштиришга, давлат ва жамият ҳаётининг турли соҳаларида юритиладиган давлат сиёсатига тузатишлар киритишга ёрдам беради.

Ўзбекистонда назоратнинг халқаро процедуралари ва механизмлари стандартларга риоя қилиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлар (ННТ)нинг фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган миллий механизм ва чора-тадбирларнинг ўрнини боса олмайди деган аниқ қараш мавжуд. Халқаро нормалар ва стандартларни диққат билан ўрганиш ва амалиётда қўллаш давлатнинг ушбу соҳадаги фаолиятининг тўғри йўналишлари ва шаклларини белгилаб олиш имконини беради. Чунки халқаро ҳужжатлар амалда маслаҳат бериш, тузатиш, олдини олиш, назорат қилиш ҳамда давлатларга ёрдам бериш каби функцияларни бажаради.

Маълумки, қонун ижодкорлиги давлат фаолиятининг асосий йўналишларидан бири, конституция талабларига мос равишда жамиятни бошқариш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа масалаларни ҳал қилишда давлатнинг муҳим ва самарали воситасидир. Бу мақсад қонун асосида тартибга солишга бўлган энг муҳим эҳтиёжларни аниқлаш, яъни жамият ва давлат манфаатларини кўзлаб, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаларини тартибга солувчи қонунларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва қабул қилиш йўли билан амалга оширилади. Ҳуқуқ нормаларини яратар экан, қонун чиқарувчи ва ушбу жараённинг бошқа иштирокчилари кўплаб ижтимоий муносабатлардан фақат уларнинг долзарблиги ва зарурлигини ҳисобга олган ҳолда, умуман ҳуқуқ ёрдамида тартибга солиниши мумкин бўлганларинигина танлаб оладилар.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳалари сингари, ННТ фаолияти соҳалари ҳам парламентарийларнинг жиддий эътиборидадир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Парламентарийлар нафақат масалаларни жамоавий ва эркин муҳокама қилиш, ошкоралик, жамоат фикрини ҳисобга олиш тамойиллари асосида ишлайдилар, балки қонун ижодкорлиги, қонунларнинг ижросини назорат қилиш (жумладан, ННТ фаолияти соҳасида ҳам), қабул қилинаётган қонунларнинг моҳиятини ОАВ билан ҳамкорликда аҳолига кенг тушунтириш вазифаларини ҳам бажарадилар.

Парламентнинг ҳар иккала палатаси қабул қилган ҳаракат дастурининг алоҳида бўлими ННТ фаолияти соҳасида қонунлар ижросини назорат қилишга:

жойлардаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда фуқаролик жамияти институтлари ролини ошириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича тегишли вазирлик ва идоралар вакилларини таклиф қилиб, парламент эшитувларини ўтказишга;

қонун ҳужжатлари, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришга, уларни минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга кенг жалб қилишга қаратилган дастурлар ижроси бўйича парламент қўмиталарининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари билан қўшма мажлисларини ўтказишга;

ижтимоий шерикликнинг турли шакллари маҳаллий ҳокимият органларининг нодавлат нотижорат ташкилот ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлигига оид таклифлар тайёрлаш мақсадида конференциялар, давра суҳбатлари ва семинарлар ўтказишга;

мамлакат минтақаларида фуқаролик жамияти институтлари вакилларини жалб қилган ҳолда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий соҳанинг самарали ишлаши, жойларда жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқий тартибни таъминлаш масалаларини ҳал қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокини чуқур ўрганишга;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонунлар ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишини ташкиллаштириш бўйича минтақалар тажрибасини ўрганишга бағишланган.

Шу тариқа парламент жамият ва давлат эҳтиёжларидан келиб чиқиб, миллий қонун ҳужжатлари ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни уйғунлаштириш ва амалга ошириш бўйича доимий иш олиб боради.

## СУД ҲОКИМИЯТИ ФАОЛИЯТИ

Мамлакатни демократик янгилашнинг энг муҳим жиҳатларидан бири қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашга, шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини босқичма-босқич демократлаштириш, либераллаштиришдир. Айнан шунинг учун мустақилликка эришилган дастлабки йиллардан бошлаб ислоҳотларнинг ушбу йўналишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳар биримиз кундалик ҳаётимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларга дуч келамиз ва ҳаммаси ўз-ўзидан шундай бўлиши кераклек туюлади. Аммо судни қатағон қуроли ва жазо аппарати органидан инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш ва қўриқлашга даъват этилган ҳақиқий мустақил давлат институтига айлантириш учун аввало суд тизимини ижро ҳокимияти органлари назорати ва таъсиридан чиқариш зарур эди. Шу боис номзодларни судьялик лавозимларига тавсия қилиш, судьялар ваколатларини тўхтатиб туриш ва муддатидан олдин бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий иш қўзғатиш вазифалари Адлия вазирлигининг ваколатларидан чиқарилди. Судлар фаолиятини ташкилий жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш учун махсус орган – Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаш департаменти ташкил этилди, судья кадрлар масалалари билан шуғулланиш учун Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тузилди. Жиноят ва фуқаролик ишларини малакали кўриш бўйича судлар фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши бўлди.

Кассация инстанциясининг ислоҳ қилиниши, ишларни қайта кўриб чиқишнинг апелляция тартиби жорий этилиши фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқининг кафолатларини кучайтириш, уни ҳамманинг қурби етадиган чорага айлантириш имконини берди. Энди амалда юқори турувчи апелляция инстанцияси ишларни улар янгидан кўриш учун юборилмаса ҳам кўриб чиқиши мумкин ва шу тариқа фуқаролар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кассация инстанциясида ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда прокурор ва адвокат тенглигини, суднинг барча босқичларидаги жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларининг тортишув принципи асосида кўрилишини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда, суд жараёнида тарафлар тенглигини таъминлашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар кўрилди. Ўзбекистон Республикасининг "Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ ҳимоячига жиноят иши қайси давлат органи ёки мансабдор шахс томонидан юритилаётганидан қатъи назар, ишнинг ҳар қандай босқичида ўз мижозига малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилди.

Илгари адвокат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан ишда иштирок этиш учун ижозат берилгани ҳақида тасдиқнома, шунингдек, ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсатнома олиши шарт бўлса, ҳозир бу нормалар Жиноят-процессуал кодексидан чиқарилган ва 2008 йилдан бошлаб ишда иштирок этиш учун, ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси берган ордерни кўрсатишнинг ўзи етарлидир.

Мамлакатимизда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши улкан социал, ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этаётганини фахр билан қайд этмоқчиман. Яъни 2001 йилдан бошлаб жиноятларни таснифлашни ўзгартириш – оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилиши айбдорларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш имконини бермоқда. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши туфайли, инсонпарварлик принципларини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Жиноят кодексининг иқтисодий жиноятларга бағишланган 11 та моддасида етказилган моддий зарар қопланган тақдирда айбдорларни озодликдан маҳрум этиш ўрнига жарима жазосини тайинлаш имконияти назарда тутилди. Бу эса қонунбузарларга ўз қилмишининг аҳамиятини англаш ҳамда оиласи ва жамиятдан ажралмаган ҳолда тузалиш имконини беради.

2008 йилнинг январидан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши ва ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси жорий этилиши ғоят муҳим қадам бўлди. Бу жазолар аёлларга, 18 ёшга кирмай жиноят содир этган шахсларга, 60 ёшдан ошган эркакларга тайинланиши мумкин эмас.

2008 йилдан бошлаб "Хабеас корпус" институтини жорий қилиш бўйича жуда муҳим қадам қўйилди – эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судларга ўтказилди.

Аминманки, 2001 йилдан жорий этилган ярашув институтининг самарадорлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Негаки, шу вақтдан бошлаб, биринчидан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, иккинчидан, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлиқ қоплаган, учинчидан, айбини тан олган, тўртинчидан, жабрланувчи билан ярашган шахслар жиноий жавобгарликка тортилмаяпти.

Ҳар биримиз фуқаролик жамиятини шакллантириш ва демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш зарурлиги ва аҳамиятини, яъни 2010 йил 12 ноябрда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов томонидан фарзандларимиз ва набираларимизнинг келажагини белгилаб берувчи концепция илгари сурилганини яхши англаймиз. Шунинг учун мамлакат Президенти айтган ҳар бир таклифни тушунишимиз, уларни жамият ва давлат ҳаётига татбиқ этиш чораларини кўришимиз керак. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенатининг IX ялпи мажлисида "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини бажариш мақсадида Ўзбекистон Олий суди томонидан ишлаб чиқилган.

Хорижий тажрибалар таҳлили шуни кўрсатадики, баъзи мамлакатларда (АҚШ, Германия, Япония, Хитой, Жанубий Корея, Россия) жиноят ишлари фақат суриштирув ва тергов учун масъул бўлган шахслар (прокурор, полиция) томонидан қўзғатилади, айблов хулосасини ўқиб эшиттириш вазифаси эса прокурорга юкланган. Бу мамлакатларнинг қонунлари айблов хулосасининг хулоса қисми (прокурор томонидан) ва ҳукмнинг (суд томонидан) қарор қисми эълон қилинишига ҳам йўл қўяди. Ушбу қоидаларнинг қўлланиши суднинг суд ишини адолатли юритишга оид асосий вазифасининг бажарилиши ва одил судлов тезкорлик билан амалга оширилишини таъминлашга қаратилган бўлиб, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт ва Суд органлари мустақиллигининг асосий принципларига тўла мос келади.

Ушбу қонун билан:

жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи суд ваколатидан чиқарилди, шу муносабат билан Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодекси, Хўжалик-процессуал кодекси ва Фуқаролик-процессуал кодексига тегишли ўзгартишлар киритилди;

прокурор зиммасига иш судда кўрилаётганда жиноят иши бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбурияти юкланди. Бунда одил судловни амалга оширишнинг тезкорлигини таъминлаш мақсадида суд тергови айблов хулосасининг хулоса қисмида баён этилган, судланувчига қўйилган айбловни прокурор томонидан ўқиб эшиттиришдан бошланиши назарда тутилди;

жиноят ишларини судда кўриб чиқишни янада соддалаштириш мақсадида суд томонидан ҳукмнинг фақат қарор қисми эълон қилиниши белгиланди.

Хорижий тажрибалар таҳлили айрим мамлакатларда (АҚШ, Германия, Франция, Япония, Жанубий Корея) жиноят процессида айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва экспертиза ўтказиш учун шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги мажбурлов чоралари фақат суд тартибида амалга оширилишини кўрсатмоқда. Прокурор ёки терговчининг бу ҳақдаги илтимосномасини суд бир ёки икки сутка ичида кўриб чиқади. Ушбу тартибнинг қўлланиши шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини асоссиз чеклашлардан ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт нормаларига тўла мосдир.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Жиноят-процессуал кодексига айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг янги ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқининг прокурордан судга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистоннинг "Прокуратура тўғрисида"ги ва "Судлар тўғрисида"ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

**Светлана ОРТИҚОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

# УСТОЗЛАР ЭНДИ WI-FI ЗОНАСИДАН ФОЙДАЛАНИШАДИ

**Вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида республика Президентининг "Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ҳар 100 ходимга 40 та компьютер тўғри келади. Бундан ташқари, 18 та видеопроектор, 2 та кўп функцияли қурилма, 3 та нусха кўчириш аппарати ва 16 та принтер мавжуд.**

Институтда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш дастурига мувофиқ ихтисослаштирилган дастурий маҳсулотлардан фойдаланиш тартибини белгиловчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар базаси яратилган. Компьютер техникасида лицензияга эга, асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ишлаб чиққан дастурий таъминотдан ёки очиқ кодли эркин тарқатиладиган дастурий таъминотдан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, ички тармоқни ташкил этиш ва ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича режа-жадвал ишлаб чиқилди.

Профессор-ўқитувчилар ахборот технологияларини қўллаш бўйича малакаларини ошириш мақсадида доимий ўқувларда иштирок этишмоқда. Институтда малака ошириш курсларидан кейинги соатларда тингловчи ҳамда профессор-ўқитувчилар учун бепул тўгараклар фаолият олиб бормоқда.

Раҳбарият институтда ташкил этилган интернет тармоғидан шахсий мақсадларда фойдаланишни ман этган. Ҳар бир ходимнинг интернет тармоғидаги фаолиятини доимий мониторинг қилиб бориш мақсадида ички идоравий ҳужжат (эслатма, қайд этиш дафтари) қабул қилинди ва унга риоя этилмоқда. Ходимларга шахсий ёзишмалар учун миллий электрон почта хизматлари ва ижтимоий тармоқлардан (umail.uz, reemail.uz, inbox.uz, muloqot.uz ва бошқалар) фойдаланиш зарурлиги тушунтириб борилмоқда.

Институт раҳбарияти, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари интернет тармоғидан кўнгилочар восита сифатида фойдаланиш, хизмат компьютерларига белгиланган тартибда рухсат берилмаган дастурларни ўрнатиш, улар орқали интернет тармоғига уланиш учун мобиль алоқа операторларининг флеш модемларидан фойдаланиш қатъиян ман этилди. Хизматга доир ҳужжат ва ёзишмалар фақат миллий ва расмий (корпоратив) электрон почта хизматлари @xtv.uz, E-xat тизимларидан фойдаланган ҳолда ташкил қилинмоқда. Маълумотларни хорижий электрон почта хизматлари ижтимоий тармоқлар (mail.ru, gmail.com, rambler.ru, yandex.ru, odnoklasniki.ru, fasebook.com ва бошқалар)дан фойдаланган ҳолда алмашинишни қатъиян ман қилиш мақсадида ички идоравий ҳужжат қабул қилинган.

Чора-тадбирлар режасида институтда фойдаланилаётган компьютер техникалари ҳисоби, ҳолати ва кузатувини олиб бориш, локал тармоққа уланишни ташкил этиш, маълумотлар текширувини олиб бориш, журнал юритиш, "E-XAT" ҳимояланган электрон почтасининг доимий ишлашини назорат қилиш вазифалари белгиланди.

Шунингдек, октябрь ойидан бошлаб малака оширишга келган ҳар бир тингловчининг шахсий электрон почтасини очиш ва доимий фойдаланиши йўлга қўйилди. Октябрь ойида 699 тингловчи шахсий электрон почтасини очди ва ундан фойдаланиш кўникмасини эгаллади. Институт ходимлари ва тингловчилар ўзларининг шахсий ноутбук, нетбук ҳамда планшетлари орқали интернетдан фойдаланишмоқда.

Бугунги кунда ўқув хоналарида видеокузатув мосламаларини жойлаштириш ва ундан фойдаланиш режалаштирилмоқда.

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА,**
**вилоят педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти проректори.**

Бугуннинг гапи



# ГАЗ ТУГАНМАС БОЙЛИК ЭМАС

**Табиатдаги ҳар бир неъмат ҳисобли. Шу сабабли табиий бойликларни асраб-авайлаш, улардан оқилона фойдаланиш бугунимиз ва эртанги кунимиз учун ҳар жиҳатдан зарурдир.**

Хусусан, табиий газ ҳам туганмас бойлик эмас. Бугун уйларимизни иситиб, корхона ва ташкилотларимизда бизга ас қотаётган газ эртага тугаши тайин. Шунинг учун уни асраб-авайлаб, тежаб, исрофгарчиликларга йўл қўймасак, келажак авлодлар ҳам бундай қулайлик ато этгувчи неъматдан баҳраманд бўладилар.

Бу ҳақда сўз очишимизнинг сабаби шуки, қиш мавсуми бошланиши билан табиий газга бўлган эҳтиёж янада ортади. Бу ҳол табиий газдан оқилона фойдаланиш, исроф қилмаслик, ёнғинларнинг олдини олиш чора-тадбирларини янада кучайтиришни тақозо этади.

Хусусан, истеъмолчилар – хоҳ у жисмоний шахс ёхуд корхона-ташкилот бўлсин, газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишлари шарт.

Бунинг учун газ асбоблари беҳуда ишлаб туришига йўл қўймаслик, қаровсиз қолдирмаслик, газ плиталаридан хоналарни иситиш мақсадида фойдаланмаслик, дудбуронли газ асбоблари ва шамоллатиш йўлларини тегишли корхона мутахассислари кўрикдан ўтказишлари шарт. Носоз дудбуронли газ асбоблари ва ностандарт резина ичакларни ишлатиш ҳам қонунга хилоф.

Газ асбобларини ўрнатиш ва таъмирлашда тумангаз мутахассислари хизматидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Уйингиздаги газ ускуналарида носозликлар бўлса, дарҳол ушбу ташкилотга мурожаат қилсангиз муаммо тезда бартараф этилади.

Табиий газ ва унга тааллуқли асбоблардан тўғри фойдаланилса, аввало, нохуш ҳодисаларнинг олди олинади.

Қолаверса, газ қувурлари ва иншоотларини ўз вақтида таъмирлашга ҳамда истеъмолчиларга узлуксиз газ етказиб бериш учун имконият яратилади.

Юқоридаги эслатмаларни ҳар биримиз фарзандларимизга уқтириб, табиий газдан фойдаланиш кўникмасини шакллантириб боришимиз мақсадга мувофиқдир.

**Бахтиёр ШАРИПОВ,**
**"Ўзбекнефтгазинспекция" вилоят бўлими етакчи мутахассиси.**

ЭЪЛОНЛАР

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚУЙИДАГИ НОТАРИУС ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

| | |
|---|---|
| **Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Ўрта Чирчиқ туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Янгийўл туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Ангрен шаҳар 3-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Паркент туман 1-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |
| **Бўстонлиқ туман 2-сон давлат нотариал идорасига** | 1 нафар |

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2014 йил 10 январь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183,184,185.**

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда: 1. Қибрай тумани СИБ томонидан 02.09.2013 й. № 4382/13-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Янгиобод қ.ф.й., Ресторатор БУШ ҳудудидаги 22-сонли дала ҳовли. Бошланғич баҳоси – 280 000 000 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 18.03.2013 й. № 898-сонли ижро ҳужжатига асосан Бекобод шаҳри, 3-даҳа, 5-уй, 4-хонадон. Бошланғич баҳоси – 17 526 171 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 6 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 3. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 19.11.2013 й. № 70007/17-сонли ижро ҳужжатига асосан Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси, 42-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси – 220 000 000 сўм. 4. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 26.08.2013 й. № 11-1332/8067-сонли ижро ҳужжатига асосан Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Баҳор кўчасида жойлашган бино ва иншоотлар. Бошланғич баҳоси – 262 500 000 сўм. 5. Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан 12.12.2012 й. ижро ҳужжатига асосан Юқори Чирчиқ тумани, Суранкент қ.ф.й., А.Яссавий маҳалласи, Наврўз кўчаси 8-А уй. Бошланғич баҳоси – 53 350 000 сўм. Аукцион савдоси 2014 йил 21 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204936050001, МФО 01103, СТИР 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Лицензия: RR-0052.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг навбатдан ташқари 2013 йил 12 декабрдаги 71-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳар "XASANBAY AZIYA TRANS" МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 7 май куни берилган "АТ" серияли 000516 рақамли ҳамда "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида микроавтобусларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2012 йил 8 октябрь куни берилган "АТ" серияли 000576 рақамли лицензияларининг амал қилиши 2013 йил 12 декабрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

Тошкент вилояти ҳокимлигининг Йўловчи транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаментининг "Тошкент вилояти ҳудудида шаҳар ва шаҳар атрофида йўловчиларни ташиш фаолиятини лицензиялаш бўйича комиссияси"нинг навбатдан ташқари 2013 йил 17 декабрдаги 73-сонли Баённомасининг қарори билан қуйидаги:

**Тошкент вилояти Ангрен шаҳар «ANGREN ATS» МЧЖга тегишли:**

– "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун 2010 йил 3 май куни берилган "АТ" серияли 000270 рақамли ҳамда "Тошкент вилояти ҳудудида йўловчиларни шаҳар атрофида енгил автомобилларда ташиш" фаолиятини амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилиши 2013 йил 18 декабрдан бошлаб тикланганлиги тўғрисида маълумот беради.

**"AGRO SANOAT MULK MARKAZI" МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

2014 йил 7 январь куни соат 11:00 да, Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уйда, бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги мол-мулклар қўйилмоқда:

I. Ҳамза туман СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 30 N 79-77 бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 62 924 000 сўм. 2. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 909 ВА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 240 000 сўм. 3. 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 М 157 GA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 66 041 000 сўм. 4. 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 D 797 ВА бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 68 393 000 сўм. 5. 2012 йил 2 февралдаги ижро варақасига асосан хатланган, 1995 йилда и/ч., дав. бел. 01 С 479 КА бўлган "Эсперо" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 12 664 520 сўм. 6. 2013 йил 12 февралдаги 1-11/2011-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 G 898 LA бўлган "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 42 225 718 сўм. 7. 2013 йил 1 февралдаги 1-1009/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 01 W 569 KA бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 14 722 174 сўм. 8. 2013 йил 8 февралдаги 1-09/2013-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 1996 йилда и/ч., дав. бел. 30 R 5531 бўлган "Мерседес Бенц" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 27 264 525 сўм. 9. 2012 йил 12 ноябрдаги 1-431-12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 30 520 RAA бўлган "Каптива" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 70 169 420 сўм. II. Ҳамза туман СИБ томонидан: 1. 2013 йил 4 мартдаги 1-65-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, "Бутан" МЧЖга қарашли жарима майдончасида сақланаётган, 2009 йилда и/ч., дав. бел. 01 769 XAA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 20 326 000 сўм. 2. 2012 йил 19 январдаги 1-438-сонли ижро варақасига асосан хатланган, 2010 йилда и/ч., дав. бел. 01 Y 204 FA бўлган "Эпика" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 56 025 129 сўм. 3. 2012 йил 12 мартдаги ижро варақасига асосан хатланган, "Sarco" МЧЖ ҳовлисида сақланаётган, "Toyota 7FB15FV 3000" русумли юк кўтаргич. Бошланғич нархи – 10 143 980 сўм. III. Олмазор туман СИБ томонидан "Space Arsenal Service" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 2013 йил 13 майдаги 15356-82ижро варақасига асосан хатланган 2008 йилда и/ч., дав. бел. 01 668 CBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 54 707 000 сўм. 2. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 01 936 CBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 46 482 000 сўм. 3. 2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 080 WBA бўлган "ISUZU SAZ NQR71PL" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 63 735 000 сўм. 4. 2011 йилда и/ч., дав. бел. 01 965 QBA бўлган "Газ-172412" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 38 239 000 сўм. 5. 2007 йилда и/ч., дав. бел. 10 ВС 983 бўлган "Газ-2705-14" русумли автотранспорт воситаси. Бошланғич нархи – 29 431 000 сўм.

Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлардан аризалар эълон чиққан кундан бошлаб ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Ушбу аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "Agro sanoat mulk markazi" МЧЖнинг "Капиталбанк" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000804948004002, МФО 01018, СТИР 302159464.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Тел.: 250-83-29. Гувоҳнома: 006388.

## ДУК «Сувсоз» қошидаги «MUSAFFO OBI HAYOT» МЧЖ сув таъминоти ташкилотига қуйидаги йўналишларда ишчилар қабул қилинади:

| № | Иш ўринлари | Ойлик иш ҳақи (сўм) |
|---|---|---|
| 1 | Назоратчилар | 465000-800000 |
| 2 | Анализ ва мониторинг бўлими мутахассислари | 465000-520000 |
| 3 | Чилангарлар | 350000-450000 |
| 4 | Сув тармоқларини ҳатловдан ўтказувчи муҳандислар | 350000-450000 |

**Мурожаат учун телефонлар: (+99893) 500-10-21, 390-02-26.**

**Диққат! Диққат! Диққат!**
**Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан чет эл инвесторлари диққатига!**

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилоят худудий бошқармаси, "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нарх босқичма босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади:

I. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳри Улуғбек кўчаси 80-уйда жойлашган Олмалиқ шаҳар хокимлиги тасарруфидаги "Нотурар жой" қисми.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 180,2 кв.м;
– умумий фойдаланиш майдони – 153,5 кв.м;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 116 309 000 сўм.
Балансда сақловчи: Олмалиқ шахар хокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

II. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри А.Навоий кўчасида жойлашган "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонасига қарашли, 244-уйнинг биринчи қаватидаги "Нотурар жой қисми".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 150,79 кв.м.
– умумий ер майдони – 150,79 кв.м.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 89 245 000 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонаси.
Фаолият ихтисоси: Уй жой фондини хусусийлаштириш.

III. Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Қорасув кўчаси 7-уйда жойлашган "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонасига қарашли, "Пахтани қайта ишлаб чиқариш цехи" биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бинонинг қурилиш ости майдони – 339,33 кв.м.
– умумий ер майдони – 339,33 кв.м.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 136 470 000 сўм.
Балансда сақловчи: Чирчиқ шаҳар "Хусусийлаштиришга кўмаклашиш маркази" давлат корхонаси.
Фаолият ихтисоси: Уй жой фондини хусусийлаштириш.

IV. Тошкент вилояти Ангрен шахар худудида жойлашган "Кучлик нефт базаси" УК балансидаги, "Ангрен нефт базаси".

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 163,60 кв.м;
– умумий ер майдони – 1,5 га;
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 834 057 000 сўм.
Балансда сақловчи: "Кучлик нефт базаси" УК.
Фаолият ихтисоси: Нефть маҳсулотларини етказиб бериш.

V. Тошкент вилояти Ангрен шаҳри Красногорск қишлоғида жойлашган "Жанубий кон бошқармасига" қарашли, "Механик таъмирлаш цехи" биноси.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 2368,32 кв.м.
– умумий ер майдони – 1,65 га.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 860 907 000 сўм.
Балансда сақловчи: Жанубий кон бошқармаси.
Фаолият ихтисоси: Кон металлургия.

VI. Тошкент вилояти Янгийўл тумани Қатортол кўчасида жойлашган Янгийўл тумани "Ободонлаштириш бошқармасига" қарашли, "Сундус" ташкилотининг бино ва иншоотлари.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
– бино ва иншоотнинг қурилиш ости майдони – 1795,26 кв.м.
– умумий ер майдони – 0,55 га.
– энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
– сотиб олиш қийматини қисқа муддатларда амалга ошириш.
Бошланғич нархи – 817 672 000 сўм.
Балансда сақловчи: Янгийўл тумани "Ободонлаштириш бошқармаси".
Фаолият ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй. Тел/факс (8-371) 228-79-52. веб сайт; www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январ куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 3, 17 феврал ва 3 март кунлари, 11:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: ОАИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114; МФО: 01036; СТИР: 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган аукцион савдоси ўтказиладиган куни савдо бошланишидан уч соат олдин тамом бўлади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – жисмоний шахслар учун паспортнинг нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома; – аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1"А"-уй.

Маълумотлар учун телефон: (8-371) 228-79-52. Факс: (8-371) 228-79-52.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz, www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жарёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли Ишонч телефонига зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!

"Ўзвиносаноат-Холдинг" компанияси барча тадбиркорларни компания кооперация-кўргазмасининг доимий ишловчи экспозициясига таклиф этади.

Иш тартиби: душанба-жума кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача. Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6. Тел.: 244-39-47, 244-50-54.

**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари (мулклар) қўйилмоқда: 1. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7440-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "Иж" д.р. 11 О 9497. Бошланғич баҳоси – 1 006 750,60 сўм. 2. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7443-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и.ч. "Ваз 21011" д.р. 10 М 109 АА. Бошланғич баҳоси – 3 079 159,60 сўм. 3. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 12.08.2013 й. № 7438-сонли ижро ҳужжатига асосан 1998 й. и.ч. "Газ 3110" д.р. 20 К 581 АА. Бошланғич баҳоси – 7 984 725,40 сўм. 4. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 23.07.2012 й. № 7692-сонли ижро ҳужжатига асосан 1984 й. и.ч. "Москвич 2140" д.р. 11 V 5694 Бошланғич баҳоси – 352 413 сўм. "Бекободсавдо" МЧЖ омборида сақланмоқда. 5. Бекобод шаҳар СИБ томонидан 15.08.2011 й. № 10379-сонли ижро ҳужжатига асосан 1991 й. и.ч. "ДТ-75" д.р. сиз. Бошланғич баҳоси – 2 807 937 сўм. "Зафар қурилиш инвест" МЧЖ омборида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 06 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 6. Хамза тумани СИБ томонидан 19.08.2013 й. № 1-2299/13-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Nissan Teana" д.р. 01 161 QAA. Бошланғич баҳоси – 60 000 000 сўм. 7. Зангиота тумани СИБ томонидан 11.11.2013 й. № 14610/24-сонли ижро ҳужжатига асосан 2002 й. и/ч. "Daewoo Nexia" д.р. 10 Е 268 АА. Бошланғич баҳоси – 26 659 000 сўм. Тошкент вилоят Зангиота туман ИИБ ДЙХХБ жарима майдончасида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2014 йил 21 январ куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари (мулклар) билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16:00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар автотранспорт воситаси (мулк) бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир автотранспорт воситаси (мулк) учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси – "SPARETRA" МЧЖнинг "ASIA ALLIANCE BANK" ОАТБ Мирзо Улуғбек филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904887305001, МФО 01103, СТИР 301829604. Аукцион ғолиби сотиб олган автотранспорт воситаси (мулк) қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, 17-даҳа, 3-уй, 1-хонадон. Телефон: (8371) 212-89-55. Гувоҳнома № 004593.

ООО "FAUNA PLANET" (ИНН 302444514) Мирзо Улугбекского района сообщает об уменьшении уставного фонда с 10 000 000 сум до 5 000 000 сум.

ООО "NANO LIZING" Мирзо Улугбекского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 4 000 000 000 сум до 3 680 000 000 сум.

Чиноз туманидаги 28-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2002 йилда Садыков Санжар Бахтиярович номига берилган OR'Z № 1401024 рақамли 9-синфни битирганлик тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"QADR DON NON SAVDO" МЧЖга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан Дамас 150 VAN русумли (давлат рақами 10 ВН 374), Дамас VANСПГ русумли (д.р. 01169 GAA), ГАЗ 5201 СПГ русумли (д.р. 01384 ТВА) автотранспорт воситаларига берилган 0517757, 0982237 ва 1085636 рақамли лицензия варақалари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор туманидаги Тошкент маданият коллежи (аввалги Тошкент маданият техникуми) томонидан 1992 йилда Ражабова Шапохат Латиповна номига берилган РТ-I № 448776 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Миробод тумани ТСРЎИ томонидан 2012 йил 29 августда 005110-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган "NEFT MAHSULOT PLYUS" (ИНН 301892021) МЧЖнинг устав жамғармаси 114 305 480 сўмдан 37 599 220 сўмга камайишини маълум қилади.
Тел.: 235-92-83.

Саидов Шерзод Тоштемировичга тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Дўстлик-2, 27-уй, 22-хонадон кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ZEROBLOOM GROUP" МЧЖнинг устав жамғармаси 414 359 000 сўмдан 200 200 000 сўмга камайишини маълум қилади.

Утерянный аттестат № 489033, выданный в 1974 году средней школой № 57 Урта Чирчикского района Ташкентской области на имя Сим Розы, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

"BELIEF MACHINE" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур тумани ТСРЎИ томонидан 17.02.2011 йилда 004917-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SILVER PAPER" (ИНН 301849745) хусусий корхонаси (манзил: Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 25-уй) ўз иш фаолиятини тиклаганлигини маълум қилади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 2011 йил 4 февралда 003483-05 реестр рақами билан рўйхатга олинган "YOSHLIK TALABALAR SHAHARCHASI OBODONLASHTIRISH BOSHQARMASI" (ИНН 301260222, ОКОНХ 90211) Давлат унитар корхонаси **ТУГАТИЛАДИ** (асос: Тошкент шаҳар Олмазор тумани ҳокимининг 2013 йил 5 февралдаги 91-сонли қарори).

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 566-05-58 телефон рақами орқали қабул қилинади.

Утерянный диплом ОК-I 001623, выданный в 2005 году за реестровым № 18159 МВД Академия РУз на имя Яхшибаева Ислома Сайдуллаевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

## Аср вабоси

# ЗУЛМАТ



Дадажонни яхши танирдим. Ўзига тўқ оиланинг ёлғиз фарзанди, эркатойи. Ота-онаси тадбиркорлик билан шуғулланарди.

Дадажон мактабни аранг битирди. Қистов билан коллежга ҳужжат топширди. Ўн саккизга тўлган куни отаси машина совға қилиб, танишлари орқали ҳайдовчилик гувоҳномаси ҳам олиб берди. Энди у ўқишга машинада борадиган бўлди.

Бир куни ўқишга кетаётганида нотаниш йигит қўл кўтарди.

– Раҳмат, ука, шошиб турувдим, бирорта машина тўхтай демайди.

– Арзимайди, ака. Астойдил қўл кўтарганингиз учун кел, шу йигитнинг ҳожатини чиқарай деб тўхтадим. Ўзи шундоғам ҳафтасига икки-уч марта ўқишга бораман. Яна кечикмаган куним йўқ.

– Эҳ-а, ука, "ўхшатмасдан учратмас" деганлари шу бўлса керак-да. Тақдиримиз туташ экан. Камина ҳам уч-тўрт йил аввал коллежни аранг тамомладим. Сен ҳафтасига икки марта борсанг, мен бир ойда бир-икки бориб қўярдим холос. Ўқитувчиларим ҳар куни жиғимга тегарди. "Адашбоев, сен одам бўлмайсан" дейишарди. Мана, бинойидек одам бўлиб юрибман. Пичоғим мой устида. Кимсан – Муродбойман.

Дадажон ойнадан йигитга кўз қирини ташлади. "Бу акахон жа бойвачча экан-ку, танишиб олсам ёмон бўлмасди. Бир кун ишим тушса, фойдаси тегиб қолар" дея дилидан ўтказди.

– Акахон, агар сир бўлмаса, қаерда ишлайсиз?

– Ишим "секрет"роқ, ҳаммага ҳам ошкор қилавермайман. Аммо сен ўзимиздан эканлигинг кўриниб турибди. Йўлинг шаҳарга тушса, "Наташа" қаҳвахонасига кир. Мени ўша ердан топасан. Бир отамлашамиз.

– Шаҳар мен учун бир қадам бўлиб қолган. Албатта бораман.

Бир дўконча олдида Муродбой тушишини айтиб, Дадажонга пул узатди.

– Йўғ-э, акахон, мени ким деб ўйлаяпсиз? Киракашга ўхшайманми?

– Сен, ука, аломат бола экансан-ку. Менга жуда ёқиб қолдинг. Қани бешни ташла-чи. Ҳалиги айтган қаҳвахонамда кутаман.

Орадан бир неча кун ўтиб, Дадажон Муродбой айтган қаҳвахонани суриштириб топди.

Муродбой у билан қучоқлашиб кўришди.

– Оббо укажоним-ей, бошидаёқ сени бозор кўрган йигитга ўхшатгандим. Бир сўзли, мард экансан, – деди-да, Дадажонни алоҳида хонага бошлаб кирди. Чиройли ясатилган стол атрофида икки қиз коньяк ичиб, сармаст ўтиришарди.

Муродбойнинг қадаҳ сўзидан сўнг рюмкалар тез-тез жаранглай бошлади. У ёғи хандон отишлар-у, тамаки тортишларга уланиб кетди. Дадажон энди ҳеч нарсани ҳис қилмасди. Гўё ўзини еттинчи фалакда учиб юргандек сезарди.

Тонгда Дадажон аранг кўзини очди. Очди-ю, ёнида ётган қизга кўзи тушди. Лекин ҳеч нарсани эсломади. Ўрнидан туриб кийинаётганида билаклари тиришиб, қақшаётганини сезди. Ерда бир нечта шприц ётганига кўзи тушди-ю, бошини чангаллади. Чайқалганича бориб, юзларини муздек сувда ювди. Аммо нимадир етишмаётгандек туюлди. Гўё бутун баданида чумоли ўрмалаётгандек эди.

– Ҳа, йигитнинг гули, яхши дам олдингми? Тунда ўзиям роса томоша кўрсатдингда. Бироз тинчлансин деб укол қилдик.

– Жон ака, ўша уколдан яна борми? Бўлса, илтимос...

– Нима, ёқиб қолдими дейман? Бир мартанинг ўзидаёқ... – хандон отиб кулди Муродбой.

– Илтимос ака, йўқ деманг. Мана, қанча пул десангиз бераман.

Муродбой у берган бир даста пулни буклаб, чўнтагига солди. Укол таъсирида унинг бутун баданини яйради.

Дадажон ўша кундан бошлаб буткул ўзгарди. Энди у тез-тез Муродбойни излар, туну кун айшу ишратдан бўшамасди. Баъзан қаҳвахонада қолиб кетарди. У ёқда ота-онаси бойлигига-бойлик қўшиш билан овора. Қанча пул сўраса, қўлига тутқазишарди. Дадажон эса кундан-кунга зулмат ботқоғига ботиб борарди.

Шундай кунларнинг бирида онасининг бир нечта тилла тақинчоқлари йўқолди. Ниҳоят, у бу ҳақда эрига ёрилди.

– Дадаси, тилла тақинчоқларим жойида йўқ. Ким олганига ҳайронман. Кечагина турганди. Бугун...

– Онаси, ўғлимизнинг қадам босиши чатоқроқ. Назаримда у гиёҳванд бўлиб қолганга ўхшайди.

– Яхши гапга ҳам, ёмон гапга ҳам фаришталар омин дейишади. Ўғлимиз ундай эмас. Ахир уни ҳеч нарсага зориқтирмай ўстирдик. Уй-жой, машина...

– Ҳа, ўлма, онаси, ўлма... Бу боласи тушмагур тўқликка шўхлик қилиб қўйдими, деб чўчиб турибман.

Шу суҳбатдан уч-тўрт кун ўтиб, эр-хотин ишдан кеч қайтишганда Дадажон диванда тиришиб, юзлари кўкариб, абгор ҳолатда ётарди. Уни зудлик билан шифохонага олиб боришди. Таҳлил учун қон олинди. Кейин бош шифокор уларни ҳузурига чақириб, бор ҳақиқатни айтди:

– Ўғлингиз гиёҳвандлик кўчасига кирганига анча бўлган кўринади. Уни бу касалликдан фориғ этиш қўлимиздан келади. Аммо... У бундан ҳам оғир хасталик – ОИТСга йўлиққан. Бу касаллик олдида биз шифокорлар ожизмиз...

Бош шифокорнинг сўзлари эр-хотинни ҳайкалдек қотириб қўйди. Энди улар бошларини қай деворга урмасинлар, кеч бўлганини англашди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**




### ПИКАССО КАРТИНАСИНИ ЛОТЕРЕЯГА ЮТИБ ОЛДИ

**АҚШнинг Пенсильвания штатида яшовчи фуқаро Пабло Пикассонинг камида 1 миллион евро турадиган картинаси қўйилган халқаро хайрия лотереясида ғолиб бўлди.**

AFP агентлигининг шарҳига кўра, ҳар бири 100 евро турадиган 50 минг билетнинг бирини сотиб олган ҳар қандай фуқаро Пикассонинг "Шляпали киши" картинаси қўйилган лотерея ўйинида иштирок этиши мумкин эди. Лотерея ўйини ташкилотчилари ғолиб номини эълон қилишди. У ёнғинга қарши ускуналарни ўрнатувчи компания ишчиси 25 ёшли Жеффри Гонано экан.

Дарвоқе, хайрия лотереясидан тушган маблағлар ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон мероси объекти мақомига эга бўлган Ливандаги Тир шаҳри муҳофазасига йўналтирилади.

### ПОРАХЎРЛИК ПРОКУРОР НАЗОРАТИДА БЎЛАДИ

**Ҳиндистон парламенти коррупцияга қарши тергов ишлари олиб бориш билан шуғулланувчи мустақил прокурор лавозимини таъсис этувчи қонун қабул қилганлиги ҳақида хабар тарқатди Associated Press.**

Ушбу қонуний ҳужжат матнида келтирилишича, мустақил прокурор лавозимини эгалловчи шахс ўзининг бутун диққат-эътиборини амалдор ва сиёсатчиларнинг мансаб лавозимларини суиистеъмол қилишлари билан боғлиқ ишларга қаратади. У марказий тергов бюросида мавжуд бўлган ҳар қандай материаллардан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, ўз терговини олиб боришда марказий тергов бюроси кучлари ва маблағларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Мустақил прокурор собиқ ва амалдаги бош вазир, депутат, барча даражадаги амалдор, шунингдек, давлат капитали иштирокидаги корпорациялар менежерлари устидан тергов олиб бориш ҳуқуқига ҳам эга.

### БИРИ МАЪЛУМ, ИККИНЧИСИ КИМ?

**Reuters тарқатган хабарда айтилишича, 648 миллион долларга яқин жекпотда бир йўла иккита билет ютуққа эга бўлди. Улардан бири тезда ташкилотчиларга мурожаат қилди.**

Бахтли билет эгаси Жоржиа штатилик аёл Айра Карри экан. У жекпотнинг ўзига тегишли ярмини бир йўла нақд пул ҳисобида олишини айтди.

Қоидага кўра, жекпот бундай вазиятда тенг миқдорда иккига бўлинади. Ғолиблар ўз улушларини хоҳласалар бир йўла олишлари ёки 30 йил давомида ҳар йили маълум миқдорда олиб туриш ҳуқуқига эгалар. Агар ҳаммасини бир йўла олишса, ҳар бир ютуқ 173 миллион доллар бўлиб, давлат солиғи тўлангач, 120 миллион доллар қолади.

Қизиғи шундаки, ютуқ чиққан иккинчи лотереянинг эгаси ҳали номаълум.

### БЕШ КИШИ ОТИШМА ҚУРБОНИ

**Мексиканинг машҳур Пуэрто-Пеняско курортида хавфсизлик кучлари билан юз берган отишма чоғида беш киши ҳалок бўлганини маълум қилди Associated Press.**

Сонора штати бош прокурори Карлос Наварронинг айтишича, отишма полиция ва ҳарбийлар билан бир гуруҳ қуролланган номаълум эркаклар ўртасида юз берди. Наварронинг гапларига қараганда, икки киши бир йўла отиб ўлдирилди. Яна икки киши таъқибдан қочиб қолиш учун машинани тез ҳайдаб, ҳалокатга учради. Бешинчи қурбон эса ўқотар қуролдан қаттиқ яралангани сабабли ҳалок бўлди. Хайриятки, дам олаётган бирор туристга шикаст етмади.

Кейинги пайтда наркокартеллар ўртасида ҳудуд талашиш оқибатида бундай отишмалар кўпайиб бормоқда.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

## Шанба фельетони

# КУЁВБОЛА... ЎЗИМИЗДАН ЭКАН



... Шогирд устози – пири комилдан сўради:

– Устоз, қадимда ҳам қўшиқчилар бугунгидек кўп бўлганми?

Пири комил жавоб қилди:

– Унчаликмас, бўтам. Аҳён-аҳёнда у ер-бу ердан ҳофизу ҳофизалар чиқиб турган, холос.

Эзма шогирд яна сўради:

– Бунинг сабаби недур, устоз?

Устоз бир хўрсиниб олгач, жавоб қилди:

– Сабаби шулким, илгари одамлар анча содда бўлишган, бўтам. Ҳофиз бўлиш учун овоз керак, деб ўйлашган...

Қўйиб берсангиз, бу сергап шогирд бола яна неларни сўрамайди-ю, заҳарханда устоз нималар деб кесатмайди.

Тўғри-да, ҳозир ўзимни синаб кўраман, деган одамга, санъатда ҳам, ошпазликда ҳам, қассобликда ҳам "кўк чироқ". Кеча мол бозорида "сари-гири" қилиб юрган даллол шахсий продюссерлик марказини очса, кимнинг неча пуллик иши бор? Ёки етти пушти дарбоз ўтган қўлига хом-хатала сценарийни кўтарволиб "мотор!" деб бақирса, нима дейсиз?! Қўлингиздан нима келади?

Қўшиқ куйлаш ҳам шуда. Санъатшунослар тили билан айтганда, "кўнгил эҳтиёжи". Шоу-бизнес тамойилига кўра эса – тирикчилик. Ҳозир машҳурликнинг тузукроқ даражасига чиқиб олган хонанданинг битта тўйга бирровга "бош сукиши" учун ўртачароқ сўқимнинг пули кетади...

Ҳар ишда меъёру мантиқ бўлса, ҳар ким ўз ишини қилса, қандоқ яхши. Ана ўшанда эл хизматидамиз, деб кўксини керадиган қўшиқчи ҳам, чилангар ҳам инсофни унутмайди. Нонини ҳалоллаб топади.

Гапнинг буровидан сезган бўлсангиз, гап қўшиқчиларнинг хос қуроли – фонограмма устида бораётибди. Бугун минг турли баҳонаю сабабларни бир четга суриб, ундан фойдаланишни қатъий тартибга солиш фурсати етмадимикин?

Телевидениедаги "Олтин микрофон", "Тараннум" кўрсатувларининг ҳам бу борадаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Айниқса, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ўтказаётган жонли ижродаги "Марду майдон" лойиҳаси таҳсинга лойиқ. У хонандалар, айниқса, ёш ижрочиларнинг асл маҳоратини намойиш этувчи, уларга қанот берувчи парвоз майдонига айланиб қолди.

Дарҳақиқат, мард майдонда синалади. Бу йўлда қаловини топиб изланаётганлар, баракали ижод қилиб, маҳсулини мутлақо жонли ижрода мухлисларга тортиқ этаётган санъаткорлар кўпайиб қолди. Шундай концерт дастури тадориги билан юрган ёшлардан бири яқинда радио орқали: "Бугун бизни эшитаман деса, Худога шукр, ҳамманинг уйида магнитофон бор, мухлисларни шунча алдаб келганимиз етар" дея масалани кўндаланг қўйди. Аммо-лекин, отасига раҳмат, шу болани!

Афсуски, ҳамма ҳам шундай ўйламаяпти-да! Яқинда телевизорда бўлаётган суҳбатда машҳур қўшиқчига (яна каттакон унвони ҳам бор, денг) журналист шундай мазмунда савол бериб қолди:

– Нега тўйларда жонли ижрода куйламайсиз? Ахир, сизга ёмон ҳақ тўлашмайди-ку...

Ҳофизнинг жавоби деярли шундай бўлди:

– Бир кузатинг. Одамлар тўйда овқат еб, арақ ичиш билан овора бўлишади. Нега мен ўзимни қийнаб, маст-аласт даврада жонли ижрода қўшиқ айтишим керак экан? Ҳамма нарсанинг ўз ўрни бор. Санъаткор ҳақиқий тингловчининг олдида ўзини кўрсатиши керак, деб ўйлайман.

Унинг шу мавзудаги кейинги мулоҳазалари "ўлганнинг устига тепган бўлди".

– Ўзи, бизникилар жонли ижрони тинглашга ҳали тайёр эмас. Тўғрироғи, унчалик тушунишмайди. Масалан, мен жонли концерт бердим, дейлик. Одамлар ёғилиб келади. Тўғрими? Эртасига худди шу концертнинг фонограмма вариантини қилай. Нима ўзгаради? Ҳеч нарса. Ўша-ўша одамлар келаверади. Кўряпмизку, фонограммада ўн кунлаб концерт бераяпмиз-ку...

Бир томондан санъаткорнинг иқрорига, тан олишига қойил қолдим. Лекин, барибир унинг гапи баҳсталаб. Аслида шу боис мазкур сатрларни қоғозга тушира бошладик.

Буни қарангки, интервью яшин тезлигида шов-шув бўлди. Мухлислар ранжишди. Одамлар, у кишим айтганларидек, бефарқ эмас экан-да. Янглишмасак, кўрсатув якшанба оқшомида эфирга берилганди. Эртасигаёқ интернетдаги ижтимоий тармоқларни мухлисларнинг бири-биридан ажабтовур муносабатлари босиб кетди. Шуларнинг биридан ғоят таъсирланиб, ён дафтаримизга ёзиб қўйган эканмиз, қаранг. Уни сизга ҳатто таҳрирсиз илиндик:

"....! Сиз бир воизмидингизки, одамлар олдига чиқиб, муҳим бир нарсани гапираяпсиз-у, улар овқат чайнаса, жерксангиз? Тўйга одамларнинг ҳордиғини чиқаришга боряпсиз, ақл ўргатишга эмас. Пул қистираётганда куйлашингизга ҳалал беришса ҳам индамай оласизлар-ку, нега шунисига ҳам эътироз билдирмайсиз?

Пулини тўладими, сақич чайнаб эшитадими, овқат ебми, биринчидан, бу унинг шахсий иши, иккинчидан, сизга бўлган муносабати (!). Тўғри бу, унинг маданиятини ҳам кўрсатади. Аммо, бу ўнинчи даражадаги гап. Ҳа, ишонаверинг, айнан мана шу кетма-кетликда!

Билсангиз, агар асл мухлис бўлса, овқат ейиш эканку, керак бўлса нафас олмай тинглайди!

Нима, ўзи тўйхонада йиғилганнинг ҳаммаси сизнинг мухлисингиз бўлиши шартми? Балки у Мунożотнинг ёки Оғабекнинг ишқибозидир ва принципиал тарзда сизни тинглашдан кўра овқатни афзал билар. Бу унинг ҳуқуқи-ку! Ё нотўғрими?! Ахир, ҳеч ким сизни тинглашга мажбурмас. Лекин сиз пули аввалдан тўлаб қўйилган тўйда ашула айтишга мажбурсиз!..

Хуллас, сизнинг ишингиз куйлаш, "развлекать народ!"

Ана шунақа. Гапираверсак, гап кўп. Айниқса, фонограмма ҳақида ёзаман десангиз мисолу маталлар бир тегирмон сувдек қуйилиб келаверади. Лавҳамизни латифанамо гап билан бошлаб эдик. Келинг, кўнгилни кенг қилиб, хотимани ҳам латифадан топайлик.

...Отасининг ёлғиз эркаси бўлган қиз қўшиқчи йигитга кўнгил қўйибди. Совчи келган экан, ота тушмагур: "Қўшиқчига берадиган қизим йўқ!" дебди қатъий. Совчиликка келган ёши катта онахонлардан бири шундай насиҳат қилибди:

– Қизишманг, оповси, қиз битта сизда эмас. Ёшлар бир-бирига кўнгил қўйишган. Сиз аввал йигитни кўринг, танишинг, суҳбатини олинг. Мана, яқинда "Истиқлол" саройида концерт беради...

Совчилар шундай деб бўлажак куёвболанинг янги концертига икки дона чипта ташлаб кетишибди.

Хуллас, қизнинг ота-онаси уёқ томоннинг минг қистовидан кейин шу концертга тушишибди. Уйга келгач, баджаҳл ота анча юмшабди-да, қизини чақириб: "Қизим, йигитни кўрдим, маъқул бўлди. У ҳеч қандай қўшиқчи-пўшиқчи эмаса-кан!.." дермиш.

Вой, нега куласиз, куёвболаям ўзимиздан экан-да!

**Ғулом РАҲМАТИЛЛАЕВ.**



*– Рулни бураяпман-у, нега юрмаяпти?*

## Жиноятга жазо муқаррар

# ЛУҚМАНИНГ ҲАЛОЛИ ЯХШИ

**Бугун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка катта эътибор берилмоқда. Бу борада қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган, соҳа вакилларига барча шарт-шароитлар, имкониятлар яратилиб, етарлича имтиёзлар берилаётир. Шунга қарамай, афсуски, айрим тадбиркорлар томонидан қонунни четлаб ўтиш, белгиланган меъёрларни менсимаслик ҳолатлари учрамоқда. Оқибатда кутилмаган фожиали воқеалар ҳам юз бераяпти.**

2013 йил 24 апрель куни жиноят ишлари бўйича Мирobod туман судида кўрилган иш тафсилотлари ҳар қандай кишининг этини жунжиктириб юбориши табиий.

Мирзахалил Ахунов ҳам дастлаб тадбиркорликни бошлаганда бундай ноқонуний ишларга қўл уриб, суднинг қора курсисида ўтиришни ўйламаган бўлса керак.

У раҳбарлик қиладиган "Экономa", "Дўстлар", "Булочка" кафелари пойтахтнинг турли бурчакларида хўрандаларга хизмат кўрсатар эди. Унинг фаолиятидан бирор одам нолимасди. Фожиа юз бермасидан илгари эса уларнинг қинғир ишларидан ҳеч ким воқиф ҳам эмасди.

Гап шундаки, 2012 йил 14 декабрдан 15 декабрга ўтар кечаси "Булочка" кафесида бир йўла 7 киши газ исидан заҳарланиб, уларнинг 4 нафари ҳаётдан кўз юмган.

Маълум бўлишича, иситиш тизимини таъмирлаш зарурати туғилгач, кафе раҳбарияти ўзбошимчалик билан иситиш қозонларини алмаштиради. Ишчилар эса ҳеч қандай малакага эга бўлмаган, рухсатномасиз ишлайдиган усталар эди.

Оқибатда қайта таъмирлаш ишлари мутлақо техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолда бажарилган. Иситиш мосламаси белгилангандан бошқа жойга ўрнатилган. Газдан чиқадиган исни тортиб кетадиган тизим ҳақидаку мутлақо ўйланмаган.

Хом ишнинг натижаси жуда хунук бўлди. Кафе ишчилари Хусниддин Умаралиев, Мавлонжон Абдуллаев, Жаҳонгир Маматазизов ёнган газ исидан оғир заҳарланишган, Авазбек Расулов, Элмурод Ибрагимов, Муҳаммадали Ҳайдаров ва шу кеча бу ерда улар билан тунаган Заҳриддин Умаровлар ҳаётдан кўз юмишган.

Маълум бўлишича, кафе раҳбари Мирзахалил Ахунов юқорида номлари санаб ўтилган кишиларни норасмий ишга қабул қилиб, шу ерда тунаб ишлашга рухсат берган.

Улар ҳатто вақтинчалик ишларни ташкил этиш бюроларидан ҳам рўйхатдан ўтмаганлар. Солиқ ва бошқа тўловлардан қочиб, ана шу қинғир йўлни тутгани тадбиркорга қимматга тушди.

Кафе ҳисобчиси Венера Агишева, иш юритувчи Ҳаётбек Охунов ҳамда "Миробод-тумангаз" филиали устаси Даврон Тўлаганов, ички ишлар ходими, ҳудуд профилактика нозири Бекжон Куралбоевлар ҳам Мирзахалил Ахунов билан жиноий тил бириктирган деб топилиб, улар ҳам жавобгарликка тортилди.

Тергов суриштируви ва суд жараёни даврида уларнинг барча айблари тўла исботланди. Шунга кўра суд ҳукми эълон қилинди...

Айбдорлар қилмишларига яраша жазоларини олдилар. Бироқ, уларнинг айби билан бевақт оламдан кўз юмган кишиларнинг яқинларига ким, қандай жавоб беради?

Халқимиз қинғир иш – келтирар ташвиш, деб бежиз айтмаган.

Шунинг учун ҳам ҳар бир ишнинг қонунийси, луқманинг эса ҳалоли яхши.

**Баҳром ҚОБИЛОВ,**
**Миробод тумани прокуратураси терговчиси.**

## Қилмиш-қидирмиш

### БОСҚИНЧИЛАР

Тун ярмида юзларига ниқоб тақиб, қўлқоп кийган 4-5 номаълум йигит 75 ёшли Х. Хосият онанинг хонадонига кириб, уйдагиларнинг қўл-оёқларини боғлаб, 36 миллион сўм пул ва қимматбаҳо тақинчоқлар, 2 дона "Нокия Х-1 ва Х-2" русумли уяли телефонларини олиб кетишди. Воқеа жойини синчковлик билан кўздан кечирган ички ишлар идоралари ходимлари далилий ашёлар олишди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида жиноятни содир этганликда гумонланувчилар ғазалкентлик Х. Ҳаёт, Е. Жамшид, Б. Босит, Б. Фарҳод ва К. Қосим ушланди. Ҳозир тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### ИСНОД

Чирчиқ шаҳар ИИБга уй бекаси Т. Наргиза ариза билан мурожаат қилиб, ярим тунда номаълум шахс, ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, эшик қулфини бузиб кириб, гаражи ва молхонасидан 3.000.000 сўмлик икки бош бузоғи, машина газ баллони редуктори, "Пионер" русумли аудиомагнитоласи ўғирланганини маълум қилди. Зудлик билан кўрилган чора-тадбирлар натижасида жиноятни А. Сайдали содир этгани гумонланиб, ушланди. Ушбу ҳолат юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

### МЕҲМОНДОРЧИЛИК ҚИММАТГА ТУШДИ

В. Гулнора Ўрта Чирчиқ тумани Туябўғиз қўрғонидаги дала ҳовлисига таниши, ўзидан тўққиз ёш кичик С. Қосимни меҳмонга чақирди. В. Гулнора кайфи ошиб қолган С. Қосим билан тортишиб қолиб, пичоқ билан С. Қосимга оғир тан жароҳати етказди. Жабрланувчи шифохонага ёткизилди. Тергов ишлари давом этмоқда.

**Вилоят ИИБ матбуот хизмати.**

## Рассом хандаси




caricatura.ru

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-56-03, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 8791. Адади 6909. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.10.